ДАВЛАТ ҚАРЗИ: ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ, КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ.

Джураев П.У.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. *Мазкур мақолада давлат қарзларининг иқтисодий мазмуни ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти баён этилган. Давлат қарзи тушунчасига доир иқтисодчи олимларнинг тарифлари ўрганилган ва муаллифлик хулосалари шаклантирилган. Давлат қарзларини келиб чиқиш сабаблари ўрганилган ва оқибатлари илмий тадқиқ этилган. Давлат қарзларини самарали бошқаришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар*: давлат қарзи, ички қарз, ташқи қарз, стратегия, давлат облигациялари, харажатлар, валюта рисклари, миллий иқтисодиёт, молиявий индикатор, рентабеллик.*

STATE DEBT: ECONOMIC ESSENCE, TYPES, CAUSES, AND CONSEQUENCES

Juraev P.U.
Tashkent state university of economics

Annotation: *This article explores the economic essence of public debt and its significance in the development of the national economy. The definitions of public debt by various economists have been studied, and the author's own conclusions have been formulated. The causes of the emergence of public debt have been analyzed, and its consequences have been scientifically examined. Scientific proposals and practical recommendations for the effective management of public debt have been developed.*

Key words: *public debt, internal debt, external debt, strategy, government bonds, expenditures, currency risks, national economy, financial indicator, profitability.*

Кириш

Халқаро амалиёт таҳлили натижалари кўрсатишича, кейинги ўн йилликда дунё мамлакатларида ташқи қарзга бўлган талаб нисбатан ошганлиги ҳамда давлатлар ўртасида бу борада тафовутлар кучайганлигининг бир қанча сабаблари мавжуд. Улардан энг муҳимлари сифатида жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиши, айрим мамлакатларда ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви, иқтисодий хавфсизлик масалалари, ижтимоий талаблар ўртасидаги номутаносибликлар, молиявий манбалардан ноўрин фойдаланиш натижасида бюджет тақчиллигининг ошиб кетиши, фавқулодда вазиятлар каби омилларни келтириш мумкин.

Албатта айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам дунё амалиётида бўлаётгани каби ташқи қарзлар ҳажми ошиб бормоқда. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлиги ошириш, саноат тармоқларини ривожлантириш, иқтисодиётда туб ислоҳотларни амалга ошириш, йўл, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини ривожлантиришдаги муҳим вазифаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутмоқда. Ривожланаётган давлатлар учун ташқи қарз миқдорининг кўпайишда давом этиши давлат томонидан қарзларни қайтаришда бюджет юкининг ортиб боришига сабаб бўлади. Бундан ташқари, корпоратив қарзларнинг ички ва ташқи бозорлардан жалб қилиниши ҳамда самарасиз

лойиҳаларга сарфланиши ёки макроиқтисодий конъюнктуранинг (масалан, инфляция даражаси, иқтисодий ўсиш суръати, миллий валюта курслари) кескин ўзгариши натижасида иқтисодиётда салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Шунинг учун, мамлакатимизда давлат қарзини самарали бошқаришнинг мустаҳкам қонунчилик асосларини яратиш, қарзни бошқаришга доир хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан оқилона фойдаланиш, қарз маблағларини иқтисодий самарадорлигини таъминлашда уларни тақсимлаш механизмини оптималлаштиришга доир тадқиқотларни олиб борилиши долзарб масалалардан саналади.

Адабиётлар шархи

Чет эл капитали ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланиши жараёнида муҳим рол ўйнайди. Кўпинча бу мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур маблағлар етишмайди. Қолаверса, ривожланаётган давлатлар паст даромад базасига ва юқори давлат операцион харажатларига дуч келмоқда, бу эса пул ўтказмалари, молиявий ёрдам ва ташқи қарзлар каби хорижий капиталга қарамликнинг кучайишига олиб келади. “Бироқ, ривожланиш учун фақат чет эл капиталининг оқими етарли бўлмаслиги мумкин, чунки иқтисодий ўсиш жараёнини рағбатлантириш учун зарур бўлган ушбу капиталлар учун устувор аҳамият берадиган соғлом макроиқтисодий муҳит ва сиёсат зарур” [1]. Иқтисодиётни бозор механизми асосида ривожлантириш тизимида асосан қарз муносабатларини юзага келишида иқтисодчи олимлар томонидан турли ташқи омилларни инобатга олиниши асосий омиллар сифатида қаралади. Жумладан, М.Кэшмирни тарифида ҳам давлат ташқи қарзларини жалб қилиш билангина иқтисодиётни ривожлантириш мураккаб эканлиги, аввало давлат иқтисодиётни ривожлантириш монетар, фискал ва пул-кредит инструментларидан самарали фойдаланиш кераклиги таъкидланган [2].

“Ташқи қарзнинг юқори ва барқарор бўлмаган даражаси ривожланаётган мамлакатлар учун хавфли бўлиб, валюта курсининг ўзгариши, капитал оқимининг “бирдан” тўхтаб қолиши ва капиталнинг кескин чиқиб кетишига олиб келади, бу эса банк тизими ёки валюта инқирозига олиб келиши мумкин” [3]. Ирфан Курэши томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, айниқса ташқи қарзни ривожланаётган мамлакатлар учун риск даражаси юқори эканлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, миллий амалиёт мисолида кўрадиган бўлсак бугунги кунда мамлакатимизда ташқи қарз билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган риск даражаси иқтисодиёти ривожланган давлатларга нисбатан юқори бўлиб бунга биринчи навбатда валюта курсларини юқори волатилликда ўзгариб бораётганлигини ҳамда таъсир этаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак.

Халқаро иқтисодиётда ўсиб бораётган ташқи қарз ички ва ташқи омиллар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ана шундай ички омиллардан бири сиёсатчиларнинг ички маблағлар кам ва етарли бўлмаган шароитда иқтисодий ривожланиш жараёнини тезлаштиришга интилишидир. Бу ҳолат ташқи қарз олишни рағбатлантиришга олиб келади. Ташқи омилларга ташқи кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пастлиги ва ташқи кредиторларнинг кредит беришга тайёрлиги каби жиҳатларни келтириш мумкин [4]. Эдо Ннека Самсоннинг тарифида ҳам худди юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикрларни том маънода давоми эканлигини кўриш мумкин. Аввало ички иқтисодий механизмларни тўғри йўлга қўйиб улардан самарали фойдаланиш тартибини ишлаб чиқмасдан туриб қарз капиталани жалб қилиш юқори иқтисодий рискларни вужудга келтириши, таъкидлаб ўтилган.

Ташқи қарз глобал иқтисодиётнинг, хусусан, ривожланаётган мамлакатларнинг асосий муаммоларидан биридир. Шуни ёдда тутган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу мамлакатлар сурункали қарз инқирозидан чиқиш учун самарали стратегик усуллардан фойдаланиши керак. “Ташқи қарзни стратегик таҳлил қилиш ва ташқи қарзни оқилона бошқариш ривожланаётган мамлакатларда яхши режалаштирилиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг бир қисми бўлиши зарур” [5].

Т.Маликов ва А.Ваҳобов томонидан нашр этилган дарсликда давлат қарз фаолиятига умумий тарифлар берилган ва уларнинг асосий ҳусусиятлари бўйича хулосалар келтирилган. Хусусан, “Давлат томонидан қарз фаолиятнинг амалга оширилиши натижасида давлат қарзи вужудга келади. Жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдида вужудга келган ҳукуматнинг қарзий мажбуриятларига давлат қарзи дейилади. Давлатнинг қарзлари жойлаштирилиш жойига қараб иккига бўлинади: давлатнинг ички қарзлари ва давлатнинг ташқи қарзлари” [6].

Ж.Шералиев томонидан давлат қарзлари ўзининг бир қатор ижобий имкониятлари билан жозибадор инструмент ҳисоблансада, ушбу капитал оқимларидан самарасиз фойдаланиш давлат учун маълум иқтисодий зарар сифатида юзага келишини таъкидлаган. Яъни, “давлат қарзи бир вақтнинг ўзида иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланса-да, унинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши келгуси иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай шароитда ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи қарзи миқдорига нисбатан оптимал чеклов даражасини қўйиши, бу чеклов мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсирни минималлаштирадиган нуқтада бўлиши ҳамда ҳозирги кунда барча давлатларнинг иқтисодий сиёсати олдида турган вазифалардан ҳисобланади” [7].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексида “давлат қарзи - Ўзбекистон Республикасининг ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлари” [8] деб келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзи тўғрисида қонунида келтирилишича, “давлат қарзи - Ўзбекистон Республикасининг ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлари” [9]. Давлат қарзини ички, ташқи, қисқа муддатли ва кафиллик асосидаги турларга ажратиш мумкин. Буларнинг ҳар бирини шаклланиш манбалари мавжуд бўлиб, ўзига ҳос бўлган ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал). Фикримизча, давлат қарзи қуйидаги мақсадларда жалб қилинади:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва мамлакатнинг суверен кредит рейтингини ошириш;
- йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш;
- ижтимоий инфратузилмани қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- бюджет дефицитини қоплаш мақсадида;
- фавқулодда ҳолатлар юз берганда иқтисодиётни тиклаш учун;
- иқтисодиётнинг корпоратив секторини капиталга бўлган эхтиёжини таъминлаш ва бошқалар.

Ташқи қарзлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда қатор ижобий хусусиятларга эга бўлиб фикримизча, булар қуйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, давлат томонидан ташқи қарзларни жалб қилиш орқали ички имкониятлар (бюджет даромадларининг етишмаслиги шароитида) орқали молиялаштириш мураккаб бўлган иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ошириш мумкин; иккинчидан, ижтимоий нобарқарорлик

ҳолатлари ошиб боришини олдини олиш ва камбағаллик даражасини камайтиришда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини янада оширишга эришилади; учинчидан, ҳудудларни инфратузилмасини ривожлантириш орқали миллий даромадни ҳудудлар ва иқтисодий субъектлар ўртасида тенг тақсимлашга эришилади; тўртинчидан, мамлакатда инвестицион жозибадорликни ошириш орқали хорижий сармоялар кириб келишига замин яратади; бешинчидан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, замонавий инновацион технологияларни кириб келишини таъминлайди; олтинчидан, миллий фонд бозорини замонавий инструментлар орқали ривожлантиришда халқаро интеграциялашув жараёнларини рағбатлантиради.

Хорижий адабиётларда давлат қарзларини бошқаришга доир турлича ёндашувлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири олимларнинг тадқиқотлар олиб борган давлатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда баён этилган. Бу бежизга эмас, чунки иқтисодчи олимлар давлат қарзларини бошқаришда давлатнинг ички имкониятлари, макроиқтисодий ривожланиш даражаси, молия бозорини ривожланганлиги, ташқи иқтисодий омилларни таъсирига боғлиқлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси каби омиллардан келиб чиққан ҳолда бошқарувнинг алоҳида механизмини таклиф этганлар.

1-жадвал

Давлат қарзининг турлари ва келиб чиқиш сабаблари

Қарз тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ижобий оқибатлар	Салбий оқибатлар
Ички қарз	бюджет тақчиллиги, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инфляцияни тартибга солиш	бюджет камомадини қоплайди, молия бозорини ривожлантиради, Марказий банк инструментларини кучайтиради	фоиз ставкалар ортади, хусусий секторга салбий таъсир этади
Ташқи қарз	инвестицияга эҳтиёж, хорижий валютага талаб, истиқболли ривожланиш лойиҳалари	валюта захиралари ортади, технология ва тажриба ортиши, инфратузилма ривожланиши	валюта курси босими, ташқи фоизларга таъсирчанлик, қарзга боғлиқлик ортиши
Қисқа муддатли	қисқа муддатли ликвидлик муаммолари, жорий харажатларнинг ортиши	тезкор қарор қабул қилиш имконини беради, давлат хизматлари узлуксизлиги таъминланади	қисқа муддатда қайтариш зарурати, фоиз тўлов босими
Узоқ муддатли	стратегик лойиҳаларни молиялаштириш, режалаштирилган инвестициялар	барқарор ривожланиш имконияти, давлат дастурларини амалга ошириш	келгусида қарз юкини ортиши, узоқ муддатли лойиҳалар бўйича ҳар доим ҳам юқори натижага эриша олмаслик
Кафиллик асосидаги қарз	хусусий сектор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш	Инвестицияларни рағбатлантиради	қайтмаслик риски - давлат зиммасига юклатилади

Мазкур ёндашуварни тадқиқ этиш асосида уларнинг умумий жиҳатларини баён этишга ҳаракат қиламиз. Фикримизча давлат қарзларини бошқариш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши лозим:

- жалб қилинган маблағларга доир асосий қарз ва фоизлар бўйича барча мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;
- давлат қарзларини шакллантиришда жорий макроиқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, тўловлар миқдорини белгилашнинг асосланганлиги;
- жалб қилинган ташқи ва ички қарзлар таркибини диверсификация қилиш ва молиявий мустақилликни таъминлаш;
- жалб қилинган маблағларни тегишли соҳалар ва тармоқла бўйича тақсимланиши, улар бўйича кутилаётган даромадлар ҳамда бажарилган барча операциялар тўғрисида очиқ маълумотларни тақдим этиш;
- қарзлардан фойдаланишда кенг жамоатчилик фикрларини ўрганишга доир алоҳида функционал вазифаларни бириктириш.

Давлат ташқи қарзларини бошқариш усулларини ва уларнинг тавсифини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ифодалашимиз мумкин (2-жадвал). Юқорида айтиб ўтканимиздек, давлат қарзларини бошқариш усуллари давлатнинг қарзларни бошқариш сиёсатига боғлиқ бўлиб, бунда қарз мажбуриятлари бўйича келишувларни амалга ошириш бевосита томонларнинг ўзаро келишувлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, қарз мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширилмаганлиги ёки асоссиз кечиктиришлар бўйича, тегишли тартибда халқаро ва мамлакат миқёсида қонуний чоралар кўрилишини назарда тутувчи меёърий-ҳуқуқий хужжатлар амал қилади.

Шунингдек, давлат қарзини самарали бошқариш ва тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида давлат қарзини таркибий ўзгартириш орқали қарз сиёсатига ўзгартириш киритиш усулидан ҳам фойдаланилади. Қарзларни таркибий ўзгартириш қарзни ёки унинг маълум қисмини тўлаш учун қўшимча муддатни олиш ҳисобланади. Албатта қарзларни таркибий ўзгартириш жараёни кредиторлар ва қарздор давлат ўртасидаги қўшимча келишувлар асосида амалга оширилади.

Давлат қарзларини молиялаштириш манбаларига кўра ташқи ва ички манбаларга ажратилиб, улар кредитлаш ва молиялаштириш хусусиятлари бўйича фарқланади. Давлат қарзларини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

- алоҳида давлатлар биргаликда ташкил этган иттифоқлар томонидан ажратиладиган ёрдамлар;
- халқаро йирик ва минтақавий банкларнинг имтиёзли кредитлари;
- ХТТБ томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар ва молиялаштириш инструментлари.

Давлат қарзларини кредитлаш асосида шаклланидиган манбаларига қуйидагиларни киритиш лозим:

- ХВЖ, ХТТБ, ХРА ва минтақавий банклар, фондлар томонидан ажратиладиган кредитлар;
- хорижий давлатларнинг кредитлари;
- халқаро капитал бозоридан жалб қилинадиган қарзлар;
- еврооблигациялар бозоридан жалб қилинадиган қарзлар ва бошқалар.

Халқаро амалиётда давлатнинг ички қарзлари аҳоли даромадларини аҳоли ўртасида қайта тақсимловчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Чунки халқаро амалиёт тажрибаларидан маълумки, давлат қимматли қоғозлари рискдан ҳоли бўлган ставкага тенг ёки энг минимал рискка эга бўлган қимматли қоғоз сифатида қаралади.

2-жадвал

Давлат қарзларини бошқаришнинг асосий хусусиятлари ва усуллари

Усул	Тавсифи	Изох
Давлат қарзларини қайта молиялаштириш	Қарзлар бўйича фоизлар ва асосий қарзни янги инструментларни жойлаштириш орқали ёки молиявий ташкилотларидан қўшимча молиявий ресурслар ҳисобига тўлаб бериш	Мазкур усул одатда қарз маблағларидан фойдаланишдаги камчилик сифатида ёндашилсада, бироқ давлатнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни белгиланган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди
Унификациялаш	Давлат томонидан аввал чиқарилган бир нечта қарз қимматли қоғозларини бир турдагисига бирлаштириш	Бунда давлат томонидан чиқарилган облигацияларни, ғазна мажбуриятлари ва сертификатларга, ёки аксинча алмаштириш асосида тўловларни бирлаштириш имконини беради
Муддатларни ўзгартириш	Томонлар ўртасида тўловларни амалга ошириш муддатларига ўзгартириш киритиш	Мазкур усулда тўловлар бўйича “ишонч”ни йўқотиб қўйиш ва қўшимча пенялар бўйича мажбуриятлар пайдо бўлишини олди олинади
Мораторий	Тегишлари қарор ва норматив-хужжатларга ўзгартириш орқали тўловларни кечиктириш	Бунда ҳукумат томонидан аниқ бир сабабларга кўра махсус қарор қабул қилинади ҳамда кредиторларга ички ва ташқи қарзларни тўлаш муддатини маълум даврга кечиктириш назарда тутилади
Хисобдан чиқариш	Қарзларни қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқариш бўйича кредиторлар билан келишувга эришиш	Давлатда юзага келган ижтимоий инқирозлар, дефолт, уруш ва бошқа сиёсий сабабларга кўра кредиторлар билан қарзларнинг маълум қисмидан ёки тўлиқ воз кечиш бўйича келишув тушунилади
Секьюритизация	Қарз мажбуриятларини облигацияларга алмаштириш	Мазкур усулда риск даражаси юқори бўлиб, бунда асосий таъминот ипотека, автокредит, лизинг ва ш.к. лар асосида учинчи тарафнинг мажбуриятларига боғлиқ ҳолатдаги молиялаштириш механизми вужудга келади
Муддатидан олдин тўловни амалга ошириш	Ташқи ва ички қарзлар бўйича шартнома шартларида келишилган	Мазкур усулда давлат бюджети харажатларини иқтисод қилиш келгусидаги харажатлар юкини

	келишувларга мувофиқ муддатидан олдин тўлов амалга оширилади	камайтириш мақсадида қарзлар бўйича тўловлар олдиндан амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Янги Ўзбекистонни ривожланишининг жорий босқичидаги ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимизни халқаро молия бозорининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланиши ва халқаро суверен кредит рейтингига эришиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатимизда халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали йирик инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш, ижтимоий масалаларни ижобий ечимини топиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш, капитал бозорини институционал-ташкилий асосларини ривожлантиришга эришилади.

Давлат қарзларини самарали бошқариш масаласи нафақат бизнинг мамлакатимизда балки хорижий давлатларда ҳам иқтисодиётни тартибга солишдаги ва қарз сиёсатини оқилона юритишдаги долзарб масалалардан бири саналади. Давлат қарзларини самарали бошқаришдаги асосий инструментлар қаторига давлатнинг пул-кредит, монетар ва фискал сиёсатини киритиш мумкин. Айнан давлат томонидан мазкур сиёсатни тўғри йўлга қўйиш орқали қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган давлатнинг қарзларидан самарали фойдаланишга эришиш мумкин

Халқаро валюта жамғармаси ва Жахон банки томонидан таклиф этилган услубият ва бошқа халқаро ҳужжатлар тавсияларига мувофиқ, қарз барқарорлигини дастлабки баҳолаш учун унинг ЯИМга нисбатини ҳисоблаш мумкин. Бироқ, аксарият тадқиқотчилар ушбу кўрсаткични ташқи қарз бўйича реал ҳолатни баҳолай олмаслиги шунинг учун қўшимча равишда таклиф этилган макроиқтисодий индикаторлардан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. Шу билан бирга, давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини бошқа давлатлар билан таққослаш учун давлат қарзи миқдорини баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади. Халқаро тадқиқотлар кўрсатишича, давлат қарзини бошқариш бўйича ягона мегарегулятордан фойдаланиш билан бир қаторда иқтисодий комплекс бўйича тегишли барча вазирликларнинг интеграцион фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Чунки давлатни қарз сиёсатини бошқаришда ва стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади аввало иқтисодиётни комплекс тармоқларини ривожлантириш асосида олинадиган самарадорликни оширишга қаратилган бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Oussama Elkhalfi, Rachid Chaabita, Mounir Benboubker, Mousaab Ghoujdam, Kamal Zahraoui, Hicham El Alaoui, Sara Laalam, Ismail Belhaj, Hind Hammouch, The impact of external debt on economic growth: The case of emerging countries, Research in Globalization, Volume 9, 2024, 100248, ISSN 2590-051X, https://doi.org/10.1016/j.resglo.2024.100248.
2. Keshmeer Makun. External debt and economic growth in Pacific Island countries: A linear and nonlinear analysis of Fiji Islands//The Journal of Economic Asymmetries, Volume 23, June 2021.
3. Irfan Qureshi, Zara Liaqat. The long-term consequences of external debt: Revisiting the evidence and inspecting the mechanism using panel VARs//Journal of Macroeconomics, Volume 63, March 2020;
4. Samson Edo Nneka, Esther Osadolor Isuwa, Festus Dading. Growing external debt and declining export: The concurrent impediments in economic growth of Sub-

Saharan African countries.//International Economics, Volume 161, May 2020, Pages 173-187.
5. Vesna Georgieva Svrtinov, Olivera Gjorgieva-Trajkovska, Vlatko Paceskoski. External debt as a fundamental problem for the countries in development in the world economy//International Journal of Sciences: Basic and Applied Research (IJSBAR) 18(2):20-28, November 2014
6. Vahobov A., Malikov T. Moliya. // Darslik. – T.: “Noshir”, 2011. 478-b.
7. Шералиев Ж.Ж. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат қарзи барқарорлигини таъминлаш йўллари, 7.05.2020 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси 2024 йил 1 январ.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонуни 2023 йил 29 апрел. ЎРҚ-836-сон
10. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 декабрдаги 1016-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 82-сонли Қарори